



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кеలాжаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 4 апрель, № 65 (7023)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти Уставини (Боку, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 мартда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом
ташкилоти Устави (Боку, 2015 йил 26 ноябрь)
ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 3 апрель
№ ЎРҚ—467

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Тўққизинчи кўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 мартда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Тўққизинчи
кўшимча баённома (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь)
ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 3 апрель
№ ЎРҚ—468

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Шанхай ҳамкорлик ташкilotининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенциясини (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 15 мартда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкilotининг Экстремизмга қарши
курашиш Конвенцияси (Остона, 2017 йил 9 июнь) қуйидаги
билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) Конвенциянинг 6-моддаси 2-банди бўйича:
«Ўзбекистон Республикаси шунин билдирадиги, Ўзбекистон
Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати, Ички
ишлар вазирлиги ва Бош прокуратураси Конвенцияни
бажариш учун масъул бўлган ваколатли органлар этиб
белгиланган»;

2) Конвенция қоидаларининг Ўзбекистон Республи-
касида жиноий жазо сифатида юридик ва жисмоний
шахсларнинг мол-мулкни мусодара қилишни қўллаш
мумкинлигига тааллуқли қисми миллий қонунчиликка мос
келмаганлиги учун қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 3 апрель
№ ЎРҚ—469

Учрашув

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДА ҲИКМАТ МУЖАССАМ

Халқимиз азал-азалдан кўни-қўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор
қаратган. Иссиқ-совуғидан хабар олиш, ҳол сўраш, бир-бирига кўмаклашиш
қўшниларнинг ҳар кунлик одатига айланган, қон-қонига сингиб кетган.

Уйда бир тансиқ таом тайёрласа ҳам,
тўй-тантана бошламоқчи бўлса ҳам,
маҳалла аҳлини йўқлайдиган халқимизнинг
бундай эзгу ғазилатлари қондошу жондош
бўлган Шарқ халқлариға, жумладан,
тожикларға ҳам хос. Шунинг учун ҳам бу
икки миллат ҳақида гап очилса, “Эту

тирноқдек яқин, сув ичадиган дарёси бир”,
дея таърифланади. Чиндан ҳам, ўзбек ва
тожик минг йиллардан бери бир-бирига
жон қадар азиз қўшни бўлиб яшаб
келмоқда.

(Давоми 5-бетда).



Тураржойлар ва бошқа
объектлари харобага айлан-
ган, йўллари ўнқир-чўнқир,
газ ҳамда тоза ичимлик
сувини фақат орзу қилиш
мумкин бўлган ушбу қишлоқ-
ни қисқа муддатда обод
бўлади, деса, ҳеч ким, айниқ-
са, манасликлар ишонмасди.
Тўғри-да, ўтган асрнинг
60-йилларида қурилган
мазкур қишлоқ шундан буён
ўз ҳолига ташлаб қўйилганди.
Одамлар эса “Бори шу экан,
нимаям қилардик...” қабил-
да ҳафсаласи сўниб, барча-
сига эътиборсиз қарайдиган
бўлиб қолганди. Имконини
топа олганлари бошқа
жойларга кета бошлади...

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан
жойларда “Обод қишлоқ” дастури
хаёtgа изчил тағбиқ этилиб, олис ва чекка
қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолиш-
майдиган шарт-шароит ҳамда қулайлик-
лар яратилмоқда. Хусусан, Манас қишлоғи
мазкур дастур асосида юртимизда бирин-
чи бўлиб кўркам масканга айлантирилган-
лиги билан тарихдан жой эгаллади.
Президентимиз 30 март куни Жиззах



вилоятига ташрифи чоғида Манас қиш-
лоғида ҳам бўлиб, бу ерда бажарилган
кенг куламли бунёдкорлик ва ободонлаш-
тириш ишлари билан танишди ҳамда ўз
таклиф ва тавсияларини берди. Табиийки,
ушбу ташриф мазкур манзилнинг янада
чирой очишига хизмат қилади.

Айтиб ўтилганидек, бундан сал кам 60 йил
илгари қурилган қишлоқда бугунги кунда
турли миллатга мансуб 6,5 минг нафардан

зиёд киши тинч-тотув яшайди. Аҳолиси,
асосан, деҳқончилик билан машғул бўлган
ушбу масканда яқин-яқингача мутлақо
шарт-шароит йўқ эди. Яъни инфратузил-
ма, кўчаю йўللар, ичимлик суви, электр
энергияси, иссиқлик таъминоти, маданий-
маиший хизмат кўрсатиш объектлари
ҳозирги талабга жавоб бермай қолган эди.

(Давоми 2-бетда).



Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси якунлари Буюк британиялик экспертлар нигоҳида

Жорий йил 26-27 март
кунлари бўлиб ўтган “Тинчлик
жараёни, хавфсизлик соҳасида
ҳамкорлик ва минтақавий
шериклик” мавзuidaги
Афғонистон бўйича юқори да-
ражадаги Тошкент конферен-
циясининг якунлари халқаро
ҳамжамият томонидан қизгин
муҳокама қилинмоқда.

Нуктаи назар

Жумладан, Буюк брита-
ниялик экспертларнинг баҳо
беиришча, Тошкент конфе-
ренцияси Марказий Осиё-
нинг минтақавий ривожлани-
шида ҳамда унинг халқаро
муносабатлардаги ўрнида
янги давр бошланганини
намоён қилди.

Масалан, “Шарқ —
Ғарб” институти етакчи
илмий ходими Наҳам
Аббоснинг фикрига кўра,
“Тошкентнинг янги ёнда-
шувларидан фойдаланиш
Афғонистондаги низои
бартараф этишда катта

наф келтириши мумкин”.
— Ўзбекистон ташаббус-
лари Афғонистонни минтақа
тараққиётига ҳисса қўшиш-
га қодир бўлган мамлакатга
айлантиради, — дейди
Наҳам Аббос. — Бунинг учун
бир-бирига қарши кура-
шаётган томонлар соғлом
сиёсий маконни яратиши ва
ярашув жараёнини ишонч
билан бошлаши керак.
Марказий Осиё бўйича
Кембриж форуми ди-
ректори, профессор
Сиддхарт Саксена Ўзбе-
кистонни минтақавий коопе-

рациянинг локомотиви, деб
хисоблашини айтди.

— Президент Шавкат
Мирзиёев Марказий Осиёни
аҳил ҳамда барқарор минта-
қага айлантиришга интил-
моқда, — деди у. — Ўзбе-
кистон етакчиси Афғонис-
тонга нисбатан янги сиёсат
юретишни бошлади. Кўплаб
мамлакатлар бу давлатни
муаммоларнинг асосий ман-
баи сифатида қабул қилаёт-
ган бир даврда Ўзбекистон
раҳбари Афғонистоннинг
жаҳон ҳамжамиятига наф
келтирадиган, ҳали фойда-

ланилмаган улкан салоҳия-
тига урғу бермоқда.
Мен бунини “Марказий
Осиё учун янги давр”, деб
атайман. Негаки, кўп йил-
лардан буён минтақа бирин-
чи марта иқтисодий, сиёсий
ва энг муҳими, инсоний
тараққиёт сари яқдиллик бил-
лан ҳаракатланишни бошла-
ди. Шу боис Ўзбекистоннинг
афғон ташаббуси ноёб им-
кониятларни очмоқда, бунини
эса ҳаётга изчил татбиқ
этмоқ лозим.

Президент Шавкат
Мирзиёев Марказий Осиё-
ни жишлаштиргани ҳолда,
Афғонистоннинг умидли ке-
лажаги йўлида муҳим ёнда-
шувни намоён қилмоқда.
Шунинг ўзиёқ катта муваф-
фақиятдир. Ўзбекистон
Президентининг бундай
нуқтаи назари ҳамда унинг
сиёсати Афғонистон халқи
ва бутун минтақа учун яхши
самаралар беради.

«Жаҳон» АА.

Лондон

«БИЗ БИР-БИРИМИЗГА БАҒРИМИЗНИ, ҚАЛБИМИЗНИ ОЧДИК»



Ўзбек халқи билан бир
дарёдан сув ичиб, кўни-
қўшничиликда яшаб келган
киргиз элининг буюк оқини,
Қирғизистон халқ шоири,
Қирғизистон Фанлар акаде-
мияси академиги Аали
Тўқумбоев ҳар икки халқ-
нинг шеърият мухлислари-
га ёд бўлиб кетган “Алишер
Навоий” деб номланган
шеърида шундай деган эди:

Алишер, сенинг тилинг —
менинг тилим,
Алишер, сенинг дилинг —
менинг дилим.
Кел, бирга жүр бўлайлик,
орзуларинг
Очилди чаман бўлиб
мана бугун.

Дарҳақиқат, бундан ет-
миш йил муқаддам битил-
ган бу мисралар бугунги
кунда тилларда янграб,
дилларда акс садо беради.
Узаро савимий муносабат,
меҳру муҳаббат, тил ва дил
бирлиги икки қондош ҳамда
жондош халқнинг оддий
турмуш тарзидан тортиб,

дунёнинг глобал муаммола-
рини ҳамжихатликда ҳал
қилишида ҳам намоён бўла
бошлади.

“Ўзбекистоннинг
улкан дўсти
эди”

Куни кеча Ўзбекистон
Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
“Буюк адиб ва жамоат
арбоби Чингиз Айтматов
таваллудининг 90 йиллиги-
ни кенг нишонлаш тўғриси-
да”ги қарори эълон қилин-
ди. Қарор “Буюк адиб ва
жамоат арбоби Чингиз
Айтматов нафақат киргиз
эли, айни пайтда бутун
туркий мамлакатлар, жумла-
дан, ўзбек халқи учун ҳам
азиз ва қадрли сиймо,
Ўзбекистоннинг улкан дўсти
эди”, деган ғояда ҳақоний
сўзлар билан бошланади.
Хозирги кунда икки мамла-
кат ўртасида олиб борила-
ётган дўстлик, яхши қўшни-
лик, стратегик шериклик
муносабатларига бу фикр
муносабатлиги билан янада
юксак аҳамият касб этди.

(Давоми 3-бетда).



АНОРЗОРЛАР МАЛИКАСИ

Очерк

Бу ерни Кува дейдилар. Пурвиқор хайкали фақат Фарғонада
эмас, қадимий Мисрдаги энг гавжум гўшалардан бирида ҳам
савлат тўкиб турган, азим Нил суви ҳажмини ўлчаётгани билан
алоҳида доврўғ қозонган буюк мутафаккир Аҳмад Фарғонийнинг
бешигига ёғоч берган жой — мана шу.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Айтишларича, қадимда хитойлик-
ларнинг ҳавасини келтирган, кўҳна
тарихга оид китобларда мақтаб

ўтилган, чопағонликда тенгсиз
Фарғона отлари, асосан, шу макон-
дан тарқаган экан. Кува номининг

келиб чиқиши борасида турли тах-
минлар мавжуд. Шулар ичида, бу
сўз “кувоқ”дан пайдо бўлгани
ҳақидагисида жон бордек: пойғада
бошқа отлардан кейинроқ югуриб
ҳам барчасини қувиб ўтаверадиган
чопқир тулпорни “кувоқ” дейишди.

Хонандаликда алоҳида мактаб
яратган Тавваккал Қодиров, булбул-
нафас Исроилжон Усмонов, гижжак
илмининг ҳозирги пир-устози
Абдуҳошим Исмоилов, мумтоз
кўшиқларимизнинг маҳоратли
ижрочилари сирасига кирувчи

Маҳмуджон Тожибоев, ноласи
ширин хонанда Абдулхай Каримов
сингари номдор санъаткорлари бил-
лан бошқача гурурланувчи Қуванинг
яна бир фахри бор. Бу диёр ўзи-
нинг болтомар қаюми анорлари бил-
лан юртимиздан четдаги бозорла-
рида ҳам неча замоналар донг тара-
тиб келган. Бир даврлар бу ерда
анорчилик давлат ҳўжалиги ташкил
этилган эса-да, фермерчиликка
ўтиш бошлангач, фаолияти сўниб
қолганди. Энди Президентимиз
Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан
азал-азалдан Қуванинг ташрифнома-
си ҳисобланмиш анорчиликни қай-
тадан ривожлантиришга киришилди.

(Давоми 6-бетда).



МАНАС ҲАВАС ҚИЛАДИГАН МАСКАНГА АЙЛАНДИ

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу боис ишчи гуруҳи томони-дан, энг аввало, қишлоқдаги му-аммолар ўрганилди, аҳоли яшаши учун зарур турмуш шароитини яратиш юзасидан аниқ чора-тад-бирлар белгиланди ҳамда бажариш учун масъуллар бириктирилди. Қисқа фурсатда вазирилик ва та-шикилотлар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш ҳамда уларга ёрдам бериш, аҳоли-ни кенг миқёсда тиббий куриқдан ўтказиш, дори-дармон билан таъ-минлаш, саккиз турдаги махсулот-ни етказиш, мактабгача таълим му-ассасалари ва мактабларни тўлиқ реконструкция қилиш, суюлтирил-ган газ, электр энергияси ҳамда ичимлик суви билан таъминлаш, йўлларни таъмирлаш, шахсий то-морқадан самарали фойдаланиш ва

кичик корхоналар қуриш бўйича кенг қўламдаги ишлар рўёбга чи-қарилди.

— Юртбошимиз вилоятимизга ташрифи чоғида қишлоғимиздаги ўзгаришларни ҳам қўздан кечирди, — дейди “Манас” қишлоқ фуқаро-лар ййигини раиси Абдужалил Кенжаев. — Ўз навбатида, аҳоли томорқадан самарали фойдалани-ши учун барча зарурий чораларни қўриш, чорва моллари терисини қайта ишлаш, улардан тайёр махсулотлар олиш, агросаноат ҳамда озиқ-овқат кластерлари барпо этиш, туя етиштириш ва ун-дан шифобахш сут ҳамда жун олиш, туя сути билан даволайдиган клиника қуриш бўйича кўрсатмалар бердики, бу қишлоғимиз янада обод бўлади, дегандидир.

Бир ярим ой ичида 34 та икки қаватли уйнинг том қисми қайта ёпилди, атрофи ободонлаштири-

либ, ёрдамчи бинолар бунёд қилин-ди, уй бекалари учун тан-дирхоналар қурилди. Мевали ва 10 минг тулдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

— Қишлоқда яшадигми, албат-та, бир-иккита чорванг бўлиши ке-рак, — дейди Санобар Мухамма-диева. — Кўп қаватли уйлارда яшовчиларнинг ҳаммасида ҳам бир-иккита мол бор. Улар ўзича қуриб олган молхоналарини бузиш-гач, хафа бўлишганди. Юртбоши-мизга раҳмат, молларимизни бо-қиш учун 100 бошга мўлжалланган замонавий ферма қурилди. Шу ер-нинг ўзида ветеринария хизмати ҳам йўлга қўйилди.

Шунингдек, аҳоли учун 30 та ис-сиқхона, замонавий кўринишдаги 31 савдо дўкони, новвойихона ҳамда ҳаммом барпо этилди. 500 ўринли “Манас” маданият саройи тўлиқ таъ-мирдан чиқарилди. Қишлоқ врачлик



пункти реконструкция қилиниб, 500 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиникага айлантирилди.

Манасликлар кўп йиллар даво-мида тоза ичимлик суви йўқлиги-дан азоб чекиб келишган. Истеъ-молга яроқсиз лоток ва сизот сув-лардан фойдаланиш натижасида аҳоли ўртасида турли касалликлар кўпайган. Дастур доирасида қишлоқ ахлининг мушқули осон бўлди, яъни 6,5 минг метр қувур ётқизилиб, тоза ичимлик суви ҳар бир хона-донга кириб борди.

Бу ердаги 2 та умумтаълим мак-таби, “Саодат” ҳамда “Айчирек” мактабгача таълим муассасалари-да ҳам салмоқли юмушлар бажар-илди. Масалан, 5-умумтаълим мактабининг теварағидаги темир панжаралар олиб ташланди, девор билан ўралиб, янги дарвоза қурил-ди. Спорт зали қайта таъмирлан-ди. Ҳар икки мактабда ҳам мўъжаз ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси қурилди. Бу ерда ёшлар учун ки-чик мутахассислик бўйича билим берилади. Улар дурадгорлик, чи-лангарлик ва тикувчилик сирлари-

ни ўрганади. Шунингдек, 17 та бо-лалар майдончаси, 2 та минифут-бол майдони, 250 ўринли стадион барпо қилинди.

Худудда аҳоли бандлигини таъ-минлаш борасида ҳам муайян иш-лар амалга оширилди. Хусусан, ушбу эзгу юмушлар бошлангандан буён 200 нафардан зиёд хотин-қиз-ларнинг бандлиги таъминланди. Эҳтиёжманд оилалардаги 30 нафар хотин-қиз тикувчиликка бепул ўқити-либ, уларга тикув машинаси олиш учун “Микрокредитбанк” туман фи-лиали томонидан истеъмол креди-ти ажратилди. Бундан ташқари, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишби-лармон аёллар уюшмаси вилоят бўлими томонидан 10 нафар аёлга тикув машиналари олиб берилди.

Умуман, бу ерда ҳаётга изчил татбиқ этилган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли Манас бўлмиш янгиликлар, замонавий қиёфага эга бўлди, таъбир жоиз бўлса, одам-лар кўз ўнгиде 45 кунда мўъжиза рўй берди.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон давлат консерваториясида “Наврўз садолари” халқаро мусиқа фестивали бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон давлат консерваторияси, “Сўғдиёна” халқ чолғулари камер оркестри, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Наврўз садолари»

Унинг очилиш маросими-да таъкидланганидек, мам-лакатимизда ёш истеъдод соҳибларига кўрсатилаётган эътибору рағбат туфайли улар жаҳон сахналарида санъатининг тараннум қилишаётир. Мазкур фести-валь ҳам юртимизнинг му-сика таълимига оид салоҳи-ятини халқаро миқёсда на-мойиш этиш, ёш ижодкор-ларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Танловнинг дастлабки босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги санъат ва маданият йўнали-шидаги лицейлар ҳамда коллежлар жамоалари ўрта-сида уюштирилди. Фести-валнинг якуний босқичи ғолиблар ҳамда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғилистон-дан келган ёш санъаткорлар ўртасида бўлиб ўтмоқда.

Танловнинг очилиш маро-симини Тошкент шаҳридаги 360-мактабгача таълим му-ассасасининг “Янги авлод” болалар ижодий фестивали лауреати “Асалоӣ” ўзбек миллий чолғулари болалар ансамбли бошлаб берди.

Фестивалнинг илк кун-и-да миллий чолғу асбоблари кўргазмаси, кўп овозли

ансамбль ва оркестрларнинг чиқишлари, “Сўғдиёна” оркестрининг “Миллий ослар ифори” номли кон-церти намойиш қилинди. — Бундан 40 йил муқад-дам Ўзбекистон давлат кон-серваториясида таҳсил ол-ганман, — дейди Қирғизис-тон халқ артисти Тентемиш Мураталиев. — Фестивалда шоғирдларининг иштирок этаётгани илдизлари бир-бирига туташ, урф-одат ҳамда аънаналари, миллий маданияти муштарак икки халқнинг чинакам байра-мидир.

Тадбир аввалида кўп овозли ансамбль ва оркес-трларнинг чиқишлари на-мойиш қилинган бўлса, унинг кейинги кунда кат-нашчилар нафақат концерт дастури, балки устозларнинг маҳорат дарсларидан ҳам баҳраманд бўлишди.

— Танлов учун ажратил-ган композиторлар ижоди-дан ҳар бир йўналиш учун янги шартли асарлар тавсия этилган, — дейди фестиваль бадий раҳбари Феруза Абдурахимова. — Ўтган йили ўтказилган танлов натижа-лари ёш ижрочилар маҳо-ратининг ўсишига анча ёрдам берди. Бу ишти-рокчилар ижодида яққол намоён бўлмоқда.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.



Динара ЧИРКОВА олган сурат.

Кўшма илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақа-лараро тадқиқотлар институти делегацияси Россияга ташриф буюрди.

Делегация вакиллари Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти директори Валерий Андросов билан мулоқот ўтказди.

ҲАМКОРЛИК

Музокаралар давомида икки томонлама муносабат-ларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Россия ўртаси-да савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар ҳамда

бошқа соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб, янги босқичга чиқди. Халқаро миқёсдаги алоқалар юқори даражада кенгайиб бормоқда. Тошкент ва Москва халқаро ҳамда минта-қавий сиёсатнинг асосий масалалари бўйича умумий

ёки яқин нуктаи назарга эга. Учрашувда Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти билан Англасув меморандуми имзоланди. Хужжатда биргаликда илмий тадқиқот лойиҳаларини амал-га ошириш, халқаро ҳамда

минтақавий масалаларда давра суҳбатлари, анжуман-лар ва семинарлар ташкил этиш кўзда тутилган. Ўзбе-кистонлик экспертларнинг фикрининг, Россиянинг Марка-зий Осиёни ўрганиш билан шуғулланган илмий-тад-қиқот ҳамда академик доир-ларари билан алоқаларни кенгайтириш икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ри-вожлантиришининг янги қир-ралари ва истиқболларини аниқлаш имконини беради.

Қобил ХИДИРОВ.

«Шарқ гавҳарлари Испанияга янада яқин бўлади»

Мадридда “Ўзбекистон ва Самарқанд Испания-га янада яқин бўлмоқда” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. У жорий йил Тошкент — Барселона — Тошкент йўналиши бўйлаб ҳаво катновининг очилишига бағишланди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мазкур тадбир мамлакат-и-мизнинг Испаниядаги элчи-хонаси томонидан Журна-листлар ҳамда ёзувчиларнинг Ўрта Ер денгизи сайёҳлиги ва санъат таъкидоти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди. Анжуманда Мадрид-нинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ишбилармон доиралари, кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, 24 майдан эъти-боран Тошкент ҳамда Барсе-

лона шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво катнови-нинг йўлга қўйилиши ўзаро сайёҳлар оқими ошиши, икки давлат ўртасидаги ишбилар-монлик ва маданий ҳамкор-лик ривожига хизмат қилади.

— Мен бугун Ўзбекистон-нинг бошқа томондан ҳам кашф этдим, — деди **Комплутен-се университети ахборот департаменти бошлиғи Рафаэль Кордеро**. — Ҳозир-ги кунларда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохот-лар, унинг иқтисодий ҳамда

ижтимоий ривожланишидан яхши хабардорман. Бироқ бу-гун узоқ ўтмишга ҳаёлан са-ёҳат қилиш ва Кастилия элчи-си Руй Гонсалес де Кла-вихонинг 1404 йили Самарқандга, Амир Темур саройига борганини билиши-миз учун қулай имконият яратилганидан мамнун бўлдим. Шу нуктаи назардан, мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво катнови-нинг очилиши аҳойиб янги-ликдир. Бу ораликдаги масо-фани сезиларли даражада қисқартирди, қолаверса, Испания аҳолисининг гузал Ўзбекистонга боришлари учун қўшимча имконият яратди.

— Ёшлигимданок юрти-гиз, хусусан, Самарқандга боришни жуда истардим, — деди Журналистлар ҳамда ёзувчиларнинг Ўрта Ер ден-

гизи сайёҳлиги ва санъат таъкидоти азоси Мануэль Саррион. — Турли китоблар-даги афсоналар мени қалбдан бу шаҳарга ошно этиб қўйган эди. Самарқанд менга сеҳр-ли эртақларни эслатади. Биз бугун бу шаҳар ҳақида янада кўпроқ маълумотлардан воқиф бўлдик. Тез орада Шарқнинг мазкур гавҳар шаҳ-ри бизга янада яқинроқ бўла-ди — Ўзбекистон ҳукумати-нинг Тошкент — Барселона ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво катновини йўлга қўйиш та-шаббуси испанияликларнинг мамлакатингиз бўйлаб осон ҳамда қулай саёҳат қилиш-лари учун аҳойиб имконият яратди. Биз биринчилардан бўлиб бундан фойдаланамиз ва яқин вақт ичида Ўзбеки-стонга бормоқчимиз.

«Жаҳон» АА.
Мадрид

Мўйноқда «Кўқон боғи»

Абу Райдон Беруний инсоний мурувватни ғоят юксак баҳолайди. “Қимми мурувватли бўлса ва у бу ишни ўз ихтиёри билан рию қилса, у мўл-қўлликка эришмоққа қобилдир”, дейди. Дарҳақиқат, мурувватлилик инсонни поклайди, қалбини безайди, номига улуглиқ касб этади, шу фазилати билан эришган даражаси бошқалар кўнглида ҳавас туйғусини уйғотди.

ТАШАББУС

Донишманд Шарқ эришган энг юксак ютуқлардан бири ҳам мурув-ватдир. Халқимиз ўзининг қиёсиз меҳр-оқибати, оғир дамларда ҳам фақат ўзини, шахсий фароғатини эмас, ён-атрофидагиларни, дўст-ёронни, меҳр-мурувватга муҳтож-ларни ҳам ўйлаб иш тутishi, улар-га саховат кўрсатиши билан донг қозонган. Яқин ўтмишдан бунга қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Наврўз таровати кезиб юрган шу кунларда эса ҳар бир оила, маҳал-ла ҳамда туманда инсоний мурув-

ватнинг янги-янги кўринишларига дуч келамиз. Давлатимиз раҳбари-нинг “Ҳар бир киши ўз ҳаётидан бугуннинг ўзида рози бўлиб яша-ши керак”, деган даъвати кўнгли-ларда кенг қулоч ёйганига ғувоҳ бўламиз.

Наврўзнинг муҳим хусусиятлари-дан бири кўнглини поклашдир. Янги боғлар, гулзорлар яратиш, борла-рини меҳр билан парваршилаш, ариқ-зовурларни тозалаш, ёлғиз, ногиронлиги бўлган шахслар ва бе-морлардан хабар олиш, бу ишга

ёшларни, азиз фарзандларни ҳам жалб этиш нақадар савобли. Шу маънода, элимизнинг хашар деб номланган неча минг йиллик маънавий удумига бугун дунёнинг ҳаваси келади, десак, асло муболаға бўлмайди.

— Хизмат тақозоси билан Қора-қалпоғистонда тез-тез бўлиб тура-ман, Орол фожiasi боис бу минта-қада ўз берган экологик фалокат оқибатларидан хабардорман, — дейди таниқли тилшунос олим, Кўқон давлат педагогика институ-ти доценти Рашидхон Шукүров. — Одамлар кийинкиликларга дош бе-риб, яхши кунларга умид қилиб, аҳил-иноқ яшаётганларига ғувоҳ-ман. Ҳар гал борганимда, яйдок, сувсираб ётган бепоеён ерларни қуриб, “Қани эди, шу жойлар шаронитига мос кўчатлар бўлса-ю, мурувватли одамлар бирлашиб, боғ-роғлар, ўрмонзорлар яратсак”, деб ўйлайман...

Рашидхон ака бу орзусини амал-

га ошириш учун анча йиллардан бери астойдил ҳаракат қилиб юра-ди. Ишни биринчи бўлиб Калифор-ния текариларидан бошлади. Кали-форния ҳамда Хитой тегаги, қора-тол қаламчалари, бодом, Кан гули ва топинамбур картошчаси, мева-ли ва манзарали кўчатларни Мўйноққа олиб бориб, таъриба иш-ларини бошлаб юборди. Бир неча йиллик ҳаракатлар ўз натижасини берди: қаламчалар буй чўза бош-лади. Бу ернинг пўрсидлоқ ерлари олимнинг ҳаёлини бутунлай банд этган эди. Рашидхон ака Қорақал-поғистонда нафақат кўчат экиш, айни чоғда қорақалпоқ тили билан ҳам шуғулланди. Бу тилдаги қўш-уни ҳамда ундошли сўзлар луға-тини тузиб чоп эттирди. Лекин кўнглидаги орзу асло сувайгани йўқ. Президентимизнинг ташаббу-си билан Мўйноққа ичимлик суви олиб келингани, бу ердаги ҳаёт, турмуш тарзи ўзгараётгани, шаҳар ва туманлар, қишлоқ ҳамда овул-

Халқ сўзи



тўсқинлик қилмоқда. Шу боис Ўзбекистон Респуб-ликasi Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган солиқ ислохоти концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди ва очиқ муҳокамага қўйилди.

Солиқ тизими ислохотидан қандай ўзгаришлар кутилаяпти?

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини туб-дан такомиллаштириш бўйи-ча ташкилӣ чора-тадбир-лар тўғрисида”ги фармойи-шига асосан тайёрланган мазкур концепция ана шун-дай камчиликларни бартар-аф этишга мўлжаллангани билан аҳамиятлидир.

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси ушбу мавзуга бағишланди. Унда солиқ соҳаси экспертлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари, тадбиркорлар, халқаро мо-лия институтлари, диплома-тик корпус вакиллари ва оммавий ахборот восита-лари ходимлари қатнашди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйи-ча Ҳаракатлар стратегияси-да иқтисодийни эркинлаш-тириш, хусусан, солиққа тортиш тизимини соддалаш-тириш, солиқ маъмуриятчи-лигини такомиллаштириш ҳамда рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни ке-нгайтириш ишларини давом

Самарасиз солиқ маъмури-ятчилиги Давлат бюджети кир-им даражасига салбий таъ-сирини ўтказмай қолмайди.

— Мазкур концепция, би-ринчи навбатда, тадбиркор-ларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, — дейди Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбо-сари Б. Мусаев. — Яъни у соҳа вакилларига қўрқмас-дан, солиқларни тўлашдан қочмасдан ходимлар сони-ни очик кўрсатган ҳолда, феолатий юриштиш учун ша-роит яратишга қаратилган. Масалан, қайсидаир иш бе-рувчи шу кунгача ходимиға 1 миллион сўм микдорида маош берадиган бўлса, бар-ча солиқни қўшиб ҳисобла-ганда, 55 фоизгача солиқ тўлашига тўғри келарди. Табиийки, бу тадбиркорга оғирлик қилади. Шу сабаб эндиликда буни 25 фоизгача тушириш мўлжалланаяпти.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда республикаимизда мавжуд юридик шахслар-нинг фақатгина 3 фоизи қўшимча қиймат солиғини тўлайдиган тадбиркорлар ҳисобланади. Бу, ўз навба-тида, қўшимча қиймат соли-ғининг иқтисодийдаги кўрсаткичи қисқартирили-шига, ишлаб чиқарувчидаан тортиб сотиб олувчиғача бўлган узвийлик йўқолиши-га олиб келаётган эди. Чун-ки қолган 97 фоиз юридик шахслар, тадбиркорлар, бизнес вакиллари ягона солиқ тизимига ўтиб кетган-ди. Агар бунга иқтисодий нуктаи назардан қарасак, бу ялпи ички махсулотнинг ҳам қисқарган ҳолда кўрсатили-шига ва солиқ тўланадиган базанинг камайишига олиб келади. Концепцияда ана шу каби омилларга жиддий эътибор қаратилган.

Шу ўринда “Солиқ тизи-мини ислоҳ қилишдан қан-дай натижалар кутилаяпти?” деган савол туғилиши, таби-ий. Мутахассислар фикрча, бу оркали экспортга йўнал-тирилаётган ҳамда импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқаришда солиқлар-нинг рағбатлантирувчи роли оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўлов-чилар ўртасидаги муноса-батларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, солиқ маъмуриятчилиги жа-раёнини автоматлаштириш, фуқаролар, ҳўҳалик юритув-чи субъектлар ҳамда инве-сторларнинг қонуний манфа-атларини ҳимоя қилиш каби ишлар янада тартибга келтирилади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

лар янгича чирой оцаётгани уни янада илҳомлантириб юборди. Бир гуруҳ кўқонлик саховатли кишилар — Мансурхўжа Хўжаев, Иброҳимжон Сулаймонов, Икромжон Абдуллаев, Қозирбек Ортиков, Бахтиёржон Собиров, Шарифжон Йўлдошев билан маслаҳатлашиб, Мўйноқ туманида Кўқон боғини яратишга бел боғлашди. Бундан ўн кун ав-вал 15 миллион сўмлик мевали ҳамда манзарали кўчатлар бу ерга олиб келинди. Ушбу ташаббусни Ўзбекистон давлат санъат ва ма-даният институтининг Фарғона ҳамда Нукус филиаллари раҳбар-лари қўллаб-қувватлашди. 14 март куни Мўйноқ тумани ҳокими Сайловбой Дониёров билан бир-галикда дастлабки кўчатлар икки гектарлик бўлажак боғ ерига экилди.

Элимиз саховатли кишиларга бой. Хайрли ишга ҳисса қўиш улуг фазилат. Қани эди, Рашидхон ака-нинг бу ташаббуси мамлакат бўйлаб ёйилса-ю, Қорақалпоғис-тонда Кўқон, Марғилон, Риштон, Наманган, Тўрақўрғон, Андижон, Шахрихон боғлари ҳам бунёд этилса...

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ.



Бишкек шаҳри кўриниши.

«БИЗ БИР-БИРИМИЗГА ҚАЛБИМИЗНИ

БАҒРИМИЗНИ, ОЧДИК»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Барчаси ортда қолди

Аҳолиси ўзбеклар ва қирғизлардан иборат Чўнғара деган қишлоқ Фарғона вилоятини Қирғизистон Республикаси билан туташтирувчи энг чекка ҳудуд ҳисобланади.

— Мен поликлиника патронаж ҳамширасиман, — дейди чўнғаралик

Орамизда ҳеч қандай чегара бўлиши мумкин эмас

Жорий йилнинг 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви”да сўзлаган нутқида давлатимиз раҳбари кўшни мамлакатлар билан иқтисодий ҳамжиҳатлик мустақамлашиб бораётганига эътибор қаратди: “Ўзбекистоннинг Қозоғистон,

Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил якунларига кўра, қарийб 3 миллиард долларни ташкил этди, яъни 20 фоиз ортиди.

Бу борада ўзаро товар етказиб бериш 2 баробар кўпайди”.

Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон ўртасидаги муаммолар давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси туйғайли ечим топиб бормоқда. Одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун қилнаётган саъй-ҳаракатлар, албатта, ижобий самаралар беради. Автомобил, қишлоқ хўжалиги техникаси, ўғит, маиший техника, тўқимачилик ва қурилиш материалларининг қирғизларга Ўзбекистон томонидан етказиб берилиши, ўз навбатида, у ердан кўмир, гўшт, сут, мева-сабзавот, трикотаж маҳсулотларининг юртимизга келтирилиши ҳар икки томон учун ҳам манфаатли ҳисобланишидан ташқари, бундай борди-келдилар ижтимоий-гуманитар соҳаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль ҳамда темир йўл магистраллари минтақа иқтисодий салоҳияти юксалишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг “Чегараларимиз дўстлик ва яхши кўшничилик

лакатларимиз ўртасидаги давлат чегарасини чинакам дўстлик, яхши кўшничилик ва шериклик чегарасига айлантирдигиз”, деган олижаноб фикри эса дилларни ҳаяжонга солди. Негаки, буюк бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, “Эл ғами-ю халқ ғами”дан келиб чиқиб, юксак инсонпарварликка йўғрилган гоғлар ҳаммаша ўз даврида одамларга хизмат қилиб, шу асно юксак тарихий аҳамият касб этиб келган. Дунёни ёруғ ва эзгу нурларга бурканган. Бунга кўҳна тарих гувоҳ.

“Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви” энди ҳар йили Наврўз байрами арафасида иштирокчи давлатлардан бирининг пойтахтида ўтказиладиган бўлди. Шарқ халқларининг азалий байрами ҳам эзгу ишларга хизмат қила олишидан суюниб, бахтга беланчак ўлка — Марказий Осиёнинг азим тоғларию бепоеён дашту далаларига кўklam сепини ёйди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Наврўз табриги жамиятимиз муҳитига байрам кайфиятини бахш этди. “Мана, бир неча йилдирки, — дейилади ушбу табриқда, — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бу бетақор байрам барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг гўзал ва олижаноб туйғуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, диёримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва севимли байрамига айланди”.

Наврўз байрами муносабати билан Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбековнинг давлатимиз раҳбари номига йўллаган кутловида эса шундай дил сўзларини ўқиймиз: “Наврўзни нишонлаш халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик аънаваный дўстлик, яхши кўшнилик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва англашув тамоийларига асосланган муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз”.

яшайди. Юртимизда эса Чингиз Айтматовнинг чин маънода иккинчи умри бошланди. Қарорда таъкидланганидек, “Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган “Ўзбек иши”, “пахта иши” каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг ардолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳаммаша миннатдорлик билан эслайди”.

Ўзбек шоирининг қирғиз адабиغا бағишлови

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов Чингиз Айтматов билан гурурланиб, давраларда бот-бот унинг номини тилга оларди. Шоирнинг Чингиз Айтматовга бағишлаб ёзилган “Қирғиз диёри” деган шеъри ўзбек шеърхонлари орасида ёд бўлиб кетган, қирғиз биродарига

Ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, тақдорланмас шоири сифатида Абдулла Орипов маълум муддат Чингиз Айтматов Президенти бўлган “Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси”да вице-президентлик фаолиятини олиб борди. Минтақадаги давлатларнинг яқинлашуви, халқлар ўртасидаги азалий дўстлик муносабатлари мустаҳкамланиши зарурлигини ҳаммаша ҳис этиб келишган бу улкан қалб соҳибларининг асарларида ҳам шу улғу фазилатлар таранум қилинган эди. Уларнинг овозлари бугун кўлоқларимиз остида янграб, бизни ҳушёрликка даъват этади. Меҳр-муҳаббат, эзгулик, яхшилик ҳар қандай мураккаб муаммонинг ечими бўла олиши муқаррарлиги ҳақида ўз асарлари орқали улар бизга сабоқ бера олишади. Марказий Осиё минтақасида юз бераётган улкан ўзгаришлар, халқларга қувонч бағишлаган соҳибларнинг бундан буён элларнинг руҳларини шод этганига, албатта, ишонамиз.

Марказий Осиё минтақасига тоза нафас, тоза ҳаво кириб келди. Бу дўсту қадрдонлик, бир-бирини тушуниш ва англаш туйғайли юз берди. Бундай ўзгаришларга халқларимизнинг очик муносабатлари оммавий ахборот воситалари орқали акс садо бера бошлади. Энди мазкур соҳада тезкорлик, замонга ҳамнафаслик руҳи барқ ураётганини сезиш кийин эмас. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” йўлланмаси билан кўшни Тожикистон Республикасида биринчи бўлиб сафарга чиқиб келган ҳамкасбимизнинг “Ери бир, дини бир қондошу жондош дўсту қадрдонлар кўнглида баҳор уйғонди”, деб номланган мақоласи газетамизда чоп этилганида, бу эзгу



«Қирғизларда женгедир ўзбекларнинг бекаси».

ЭЪТИРОФ

Мар БАЙЖИЕВ, Қирғизистон халқ ёзувчиси:

— Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари ижодкорлари учун ҳам “Олтин бешик” вазифасини ўтаган, десам, муболага бўлмайди. Шахсан ўзимнинг бир неча асарларим ўзбек киноижодкорлари томонидан тасвирга олиниб, халқаро танловларда муносиб баҳоланган. “Манас, Семетей, Сейтек” номли достоним ўзбек тилида чоп қилинган. Бу каби ҳамкорлик ришталари бундан буён ҳам кенг илдиз отади, деган умиддаман.

Жумақадир АКЕНЕЕВ, Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профессор:

— Биргина “Дўстлик” боғхона пости орқали кунига 12 минг нафар фуқаронинг кириб-чиқш жараёни кузатилаётганининг ўзбек хайрли ишлар салмоғи нечоғли эканлигини намоеъ этади.

Чинаре ЭСЕНГУЛ, Қирғизистонлик эксперт:

— Марказий Осиё мамлакатларининг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш барчага бирдек наф келтиради. Минтақанинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистоннинг бу борадаги эзгу саъй-ҳаракати Тошкент пухта ўйланган ҳамда узок мудатга мўлжалланган сиёсат олиб бораётганидан далолат беради.

кўча-ку, бозор-ўчарда ҳам дуч келиб қолганлар уни дарҳол ёдга олишарди.

Эй, қадим Осиёнинг
абдий ёш ўлкаси,
Ялангтўш ва меҳнаткаш
ўзбек билан инисан.
Қирғизларда женгедир
ўзбекларнинг бекаси,
Шону шараф осмонин
чақнаган чақинисан.
Бутун дунё билди ижодкор
Чингиз номин,
Азамат халқ, шўхратинг
бундан ҳам бўлсин зиёд.

«Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга

кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадимги Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган. Биз Туркистон тоғлари ва кенг чўлларида бирга яшаймиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан ҳеч қандай шак-шубҳасиз барча тан олган шундай ҳурматга лойиқ».

Чингиз АЙТМАТОВ.

Гулноз Бобораҳимова. — Ҳар олти ойда тиббий қўриқдан ўтиш учун шаҳарга бориб-келишимиза тўғри келарди. Аммо фуқаролигим йўқлиги сабабли на у ёққа, на бу ёққа ўта олардим.

Кўзу қошдек бир-бирига ўхшайдиган, ёнма-ён жойлашган қишлоқларнинг бирида ўзбеклар яшаса, иккинчисида қирғизлар истиқомат қилади. Айримларида эса Чўнғарадаги каби ўзбегу қирғиз биргаликда, бир оиладек ҳаёт кечиради. Тиллари, лаҳжалари ҳам бир-бирига ўтиб, қайси бири ўзбегу қайсиниси қирғиз эканлигини ажратиш қийин. Ўзлари етиштирган девзира гуручнинг донгини етти иқлимга тарата олган чўнғараликлар бошқа давлат чегарасидан ўтишга тўғри келганда бошлари қотиб, айблари нима эканлигини ўзлари ҳам билолмай доғда эдилар.

Энди у кунлар тушдек ўтиб кетди. Чўнғара — Риштон йўли очилди. Риштон — Октупрқ, Таргова йўллари ҳам икки халқнинг яхши кунларига, борди-келдиларига хизмат қилмоқда. Зеро, юз иссиқлиги, яқинлар нигоҳи туйғайли кўнгилда уйғонадиган гўзал ҳис-туйғулар ҳақида ўзбеклар қандай фикр юритса, қирғизлар ҳам шундай мулоҳаза қилишади. Ўзбек халқидagi “Қадим дўстлик зангламас” нақлининг маънисини қирғизлардаги “Йўлдошсиз эр йўлдан адашар” деган ҳикматли сўз тўлдириб, муқамаллаштириб туриши ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Дарё тошиши натижасида аҳоли экинларини сув ювиб кетишининг олдини олиш учун дамба қуриш, йўл-чегара билан боғлиқ масалалар биргаликда ҳал этилиши захотийёқ аҳолини иш билан таъминлаш, табдиркорларга кредит ажратиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш сингари муаммолар ҳам ўз-ўзидан ечим топа бошлади. Ҳамма гап ҳамжиҳатликда экани аёнлашди.



«Азал-азал ҳамдаммиз, азал-азал дилбандмиз».

кўпригига айланишига астойдил ишонаман”, деган сўзлари замирида халқларимизнинг азалий орзу-умидлари ётади. Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков давлат раҳбари сифатида илк хорижий давлат таширфини айнан Ўзбекистонга амалга оширди.

“Қирғизистон бизнинг яқин кўшнимиз. Шунинг учун бизнинг орамизда ҳеч қандай чегара бўлиши мумкин эмас. Биз бир-биримизга қалбимизни, бағримизни очдик” — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу самимий сўзлари барчаннинг қалбида миннатдорлик туйғуларига йўғрилган акс садо берди. Ҳар икки халқнинг ёшу кексаси дуога қўл очиб, ўзларига яқин, оддий одамларнинг дарду ташвишларини ҳис қилган ҳолда олиб борилаётган сиёсат амалий натижалар бераётганини эътироф этишди. Дўстлик ришталарининг мустаҳкамланиб бориши барча замонда эзгулик олиб келганини кўпни кўрган юрт қайвонилари, элбошлари, оқсоқоллари элдош-қавмдошларига етказишди.

Қирғизистон Республикаси Президент-и Сооронбай Жээнбековнинг “Сиз мам-

Албатта, бу самимий муносабатлардан қардошу жондош икки халқнинг ягона тарихи, умумий келажаги мужассам. Дала-тузларга сочилган гул-чечаклар ифори ажодлар руҳи шодланаётганидан дарак бераётгандек. Олий уйғунлик, муштараклик бу кунларнинг мазмун-моҳиятини асрларнинг мазмунига тенглаштиратгани чин ҳақиқат эканлигини бир дарёдан сув ичиб, бир осмон остида умргузаронлик қилаётган азамат халқларнинг захматкаш фарзандлари ҳис этиб туришибди.

Маърифат ахлига “Қисаси Рабғузий” номли бебаҳо асарни тақдим қилган Носирулдин Бурхонуддин Рабғузийнинг Наврўз ҳақидаги машҳур байтлари ҳам бугун ўзгача рамзийликка эгадек туюлади:

Кун ҳамалга кирди эрса келди
олам наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир
қиш қолмади қори бузи.
Кун келу минг кўрки ортиб
тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадиэзлаб нахши бирла
безанур бу Ер юзи.
Баҳор фаслининг табиятда мўъжиза

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўзбекистон — ипакчилик соҳасида бой тажриба, юксак салоҳиятга эга мамлакат. ЮНЕСКО томонидан ўзбек шойи матолари — атлас ва адрас тайёрлашнинг

ЎЗБЕК ИПАКЧИЛИГИ:

ПУХТА ҲУҚУҚИЙ АСОС, ЯНГИ ТАШКИЛИЙ ТИЗИМ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бундан бир йил муқаддам “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилгандан сўнг пиллачилик соҳасини ривожлантириш борасида ижобий қадамлар ташланиб, тармоқда ўнгланиш, ривожланиш кузатила бошланди.

Такрорий пилла: тасаввуримизга сифмаган янгилик

Соҳа фидойиларининг эътирофича, 2017 йилда ўзбек пиллачилиги тарихида янги саҳифа очилди. Яъни кўпчиликнинг тасаввурига ҳам сифмаган иш — такрорий пилла етиштириш муваффақиятли йўлга қўйилди: мамлакатимиз бўйича икки марта, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида эса ҳатто уч марта ипак курти парваришланиб, саноатбоп пилла олинди.

— Илгари йилда бир марта ҳам мўлжалдаги ҳосил олинмаган юртимиз шароитида эришилган натижа ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда, — дейди “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси Баҳром Шарипов. — Жорий йилда уч марта, кейинги йилларда эса тўрт мартадан ортик “кумуш тола” етиштирамиз. Янгиликни амалиётда қўллаш учун катта маблағ сарфланмади. Балансдарвоз гаплар, бир неча йиллар илгари ишлаб чиқилиб, амалий натижа бермаган “индекс”лардан воз кечилган ҳолда, оддий ҳамда пухта ҳисоб-китоблар асосига қурилган лойиҳалар реал ҳаётга татбиқ этилди, ҳолос.

Шу билан бирга, хориж тажрибаси чуқур ўрганилиб, инновацион гоя ва технологиялар кенг жорий этила бошланди. Бунда наинки ипак курти парвариш-лаш жараёнига, балки озуқа етиштириш, зарур ускуна ҳамда жиҳозлар етказиб бериш, қайта ишлаш bosқичларига ҳам илгор ишланмаларни татбиқ қилиш чора-тадбирлари қўриляпти. Шу маънода, инновацион пиллаҳоналар янгича иш тарзимизнинг дастлабки меваси бўлди.

Шу ўринда яна бир муҳим омилни алоҳида таъкидлаш жоиз. У ҳам бўлса, пиллачиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилиб, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётганидир. Гап шундаки, уй шароитида пилла етиштирган фуқаролар даромад солиғидан озод қилиниб, уларнинг бир мавсум ишлаган даврлари пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлангани пиллачилик билан шуғулланиб келаётган опа-сингилларимиз учун жуда катта рағбат бўлди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг январь ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида республикаимиз бўйича барпо этилган 220 дан ортик махсус пилла етиштириш мажмуаларидан бири — Термиз туманидаги “Inter Silk Pro” қўшма корхонасига қарашли пиллаҳона фаолияти билан танишар экан, келгуси беш йилда бундай пиллаҳоналарни 10 мингтага, экспорт ҳажмини эса йилга 1 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳақида мутасаддиларга топшириқ берди. Шунга мувофиқ, мамлакатимизда ипакчилик саноатини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унга кўра, жорий йилнинг ўзига 1000 та ана шундай объектни бунёд қилиш ишлари жадаллаштириб юборилди. Бунда республикаимиздаги мавжуд 43 минг гектар тутзорлар уюшма тасарруфига ўтказилаётгани айтии мудидао бўлди. Унинг ҳар беш гектарида биттадан инновацион пилла етиштириш маскани барпо этиляпти.

Таъкидлаш керакки, ушбу пиллаҳоналарнинг афзалликлари кўп. Уларда ипак курти Хитой технологияси асосида плёнка остида парваришланаётгани боис озуқа сарфи 30 фоизгача камаяди. Баргнинг қотиб қолиб, беҳуда йўқотилишининг олди олинади. Ҳудудлар табиий-иклим шароити инобатга олинган ҳолда, иморати тўлиқ маҳаллий хом ашёдан қурилгани туфайли эса иктисодий жиҳатдан тежамлидир. Яна бир муҳим томони, баҳорда иссиқ, ёзда салқин бўлиши ҳисобига энергия ресурслари сарфиси ўта камдир. Энг асосийси, мазкур усулда сунъий дастадан фойдаланилиши туфайли жаҳон стандартларига мос, юқори сифатли пилла олинади.

Қачонгача хорижга кўз тикамиз?

Уюшмадан маълум қилишларича, юртимизда бу йил уч марта ипак курти парваришлаш белгиланган бўлиб, айни пайтда баҳорги пилла мавсуми бошланди. Иккинчиси май, учинчиси эса август ойларига мўлжалланмоқда.

Баҳорги мавсумда республикаимиз бўйича жами 330 минг қути ипак курти парваришланиб, 18 минг тонна пилла олиш режалаштирилган. Лекин кўнгилни хижиж этадиган жиҳат шуки, бунинг учун зарур бўлган уруғликнинг асосий қисми, аниқроғи, 300 минг қутиси Хитойдан олиб келинди. Нега?

— Очиги, тармоқ ривожини ортга тортаётган масалалардан бири сифатли уруғлик етарли микдорда етказиб берилмаётгани эди, — дейди “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси ўринбосари Олимжон Жумаев. — Шу боис унинг ечими диққат-эътиборимизда турибди.



Тасдиқланган “йўл харитаси”га биноан, ипак курти уруғи етиштиришга ихтисослаштирилган мавжуд корхоналар 2021 йилгача тубдан модернизация қилинади. Бу жараёнда нафақат хорижнинг энг илгор технологиялари, балки соҳада юқори малака ва тажрибага эга мутахассислар ҳам жалб этиляпти. Бу эса деярли инқирозга учраган ипак курти уруғчилиги қайта оёққа туришига мустаҳкам пойдевор бўлади.

Чиндан ҳам, ҳозирги кунда Наманган, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё ҳамда Самарқанд вилоятларида хорижнинг нуфузли компаниялари кўмағида бешта замонавий уруғчилик корхонаси ишга туширилиш арафасида. Улар томонидан келгуси йилнинг ўзига 100 минг қути ипак курти уруғи етказиб берилади. Бу кўрсаткич йил сайин ортиши импорт ҳажминини bosқичма-bosқич камайтиришга, 2021 йилдан эътиборан ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлашга олиб келади.

Яқинда Ангор туманида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган “Huashen Silkworm Pro” масъуляти чекланган жамияти ҳам ипак курти етиштиришга ихтисослаштирилган. Унинг лойиҳавий қуввати 100 минг қути юқори сифатли уруғлик етказиб беришга мўлжалланган. Корхонанинг фойдаланишга топширилган дастлабки bosқичида 11,5 минг қути ипак курти уруғини тайёрлаш имкониятига эга бўлинди. Келгуси йилда жамият қуввати оширилиб, Сурхондарё вилоятининг ипак курти уруғига бўлган талаби тўлиқ таъминланади.

Амалиётга татбиқ қилинган янги тизим асосида уруғчилик заводлари мутахассислари эндиликда фермер хўжаликлари ҳамда касаначилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, мавсум давомида ипак куртларининг яшовчанлиги, уларнинг ривожланишини мунтазам мониторинг қилиб боришади. Шу тариқа йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқ-

қадимий технологияси номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш рўйхатига киритилгани бунинг амалий тасдиғи, дунё ҳамжамиятининг юксак эътирофидир.

Бироқ кейинги пайтда ипакчилигимиз доврғи паса-йиб, аҳоли орасида ипак курти парваришлашга иштиёқ сусайган эди. Оқибатда пилла етиштириш, уни чуқур

Кластер усулида даромад 4-5 баробар ортади

Ипакчилик соҳасида етакчи ҳисобланган Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар инвесторлари бугун Ўзбекистонга ишончли ҳамкор сифатида қарамокда. Бунинг асосий сабаби, пиллачилик қисқа вақт ичида мавсумий тармоқдан доимийга айлантирилиб, қулай ишбилармонлик муҳити яратилганидир.

Гап шундаки, юртимизда таркибида камида 4-5 та корхонани бирлаштирган пиллачилик-кластерлари яратиш саъй-ҳаракатлари аллақачон бошлаб

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, пилла етиштириш ўзига хос фаолият тури бўлиб, унда муваффақиятга эришиш ишни тизимли йўлга қўйишга боғлиқ, — дейди Б. Шарипов. — Шу боис юртимизда занжирсимон усул амалиётда қўлланила бошланди. Чунки даромаднинг асосий қисмини тайёр маҳсулот ишлаб чиқарганлар олиб кетишади. Ўзингиз бир ҳисоблаб кўринг. Жаҳон бозорига бир килограмм ипакнинг баҳоси 38 — 40 АҚШ доллариға тенг. Агар у калава қилинса, нархи 55 долларгача ортади. Ундан мато тўкиб, кийим-кечак тикиб сотилса, даромад 3 баробар кўпаяди. Ваҳолонки, ипак калавасининг ҳар бир килограммидан 11 метргача мато тўкилади.

Худди шунингдек, гиламчиликни ривожлантириш ҳам кони фойда. Масалан, битта гилам тўкиш учун уртача 10 килограмм ипак калаваси керак, ҳолос. Шу ҳисобда, ипак ип учун 500 — 600 доллар атрофида маблағ сарфланади. Гилам тайёр бўлгач, унинг баҳоси 10 маротаба ошиб кетади!

Тут баргидан чой, ғумбақдан эса ёғ

Тармоқда юз бераётган янгилинишлар, яратилаётган қулай шарт-шароитлар инновацион лойиҳалар ижросига ҳам кенг йўл очиб, ноанъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда рағбатлантирувчи омилга айланган. Негаки, илгари пиллачиликда фақат тола олинган бўлса, бугун ипак момиги тайёрланапти. Тут баргидан шифобахш чой, ипак курти ғумбагидан эса антика ёғ ишлаб чиқарилиш арафасида эканлиги таҳсинга лойиқ.

Мутахассисларнинг қайд этишича, бир литр ғумбак ёғи жаҳон бозорига 200 доллар атрофида баҳоланади. Бироқ шу пайтгача ғумбакнинг ҳар килограмми паррандачилик, балиқчилик саноати корхоналарига озуқа сифатида 3-4 минг сўмга сотилган, ҳолос.

Фармакология ва косметология саноатининг муҳим хом ашёси саналган ғумбак ёғига ташқи бозорда талаб гоят юқори. У хушрўйлаштирувчи совун ҳамда шампунлар, шунингдек, малҳам ва суртмалар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади. Бундай восита-ларни жарроҳликдан кейин қолган чандикларни йўқотиш, соч тўкилишининг олдини олиш хусусиятига эгалиги билан алоҳида қадрланади.

Бугунги кунда ғумбак ёғи корхонаси учун зарур ускуналар Хитой компания-

қайта ишлаш ва экспорт қилиш кўрсаткичлари кескин тушиб кетди. Шундай пайтда Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги қарори билан таркибида 210 га яқин корхона ҳамда ташкилотларни бирлаштирган “Ўзбек-ипаксаноат” уюшмаси ташкил этилгач, бамисоли кўпдан буён кўмилиб қолган булоқ кўзи очилгандек бўлди.

лари билан эришилган келишувга кўра, юртимизга келтирилмоқда.

Бухорода фаолият бошлайдиган яна бир корхонада эса тут баргидан экологик тоза чой ишлаб чиқарилади. Илгари бундай маҳсулотлар Хитойдан келтирилган бўлса, ҳадемай, Ўзбекистон уни экспорт қилувчилар сафидан жой олади.

Мамлакатимизда тутчой ишлаб чиқариш табиий имконияти ниҳоятда катта. Чунки тутзорларнинг ҳар гектаридан 52,5 тоннадан тут барги йиғиб олиш мумкин. Шу боис жорий йилда фойдаланишга топшириладиган заводнинг ўзига 218 тонна чой ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Натижада 1500 та мавсумий ва 50 доимий иш ўрни яратилиб, шу йилнинг ўзига 1,4 миллион долларлик чой экспорт қилинади.

Келгусида бундай корхоналар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо этилади. Улар учун хом ашёнинг асосий қисми кўзда жамғарилади. Бу пайтда баҳорги мавсумдагидан 7 марта кам ипак курти парваришланишини инобатга оладиган бўлсак, барг танқислиги асло юзага келмайди. Қолаверса, тутчиликда инновация қўлланилиб, ўрма тутзорлар барпо этиляптики, улар йилига уч-тўрт марта барг беради. Шунинг ҳисобига юртимизда такрорий пилла етиштирувчи касаначилару қайта ишловчилар барг билан барқарор таъминланади.

Камалак тусли матолар жилоси

Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ипакчилиги кўп асрлик тарихга эга. Бугун азалий аъёналар янада сайқалланиб, миллий ифтихоримизга айланган матолар саноат усулида ишлаб чиқарилаётди. Ахир хом ашёнинг сероблиги қайта ишлаш қувватларини оширишни тақозо қилаяпти. Кейинги пайтда ипак йиғириш ва мато тўқишга ихтисослаштирилган қўлпаз лойиҳалар амалга оширилаётганининг боиси шунда.

Дарҳақиқат, айни пайтда Андижон, Сирдарё, Хоразм, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ана шундай корхоналар барпо этилмоқда. “Андижон силк” шулардан бири бўлиб, бу ерда жорий йилнинг май ойида дастлабки маҳсулот тайёрланади. Мингдан ортик иш ўринлари яратиладиган мазкур хўжалик юритувчи субъект тасарруфида махсус куртхона, қуруқ пиллани қайта ишлаш, ипак ўраш, йиғирув ҳамда тикув цехлари фаолият кўрсатади. Бунинг

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Эндиликда уй шароитида пилла етиштирган фуқаролар даромад солиғидан озод қилиниб, уларнинг бир мавсум ишлаган даврлари пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланди.

● Пиллачилик тармоғига жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан кириш визалари расмийлаштирилади.

● Ўзбекистон 2017 йил 20 сентябрь куни БМТнинг Халқаро ипакчилик комиссиясига аъзо бўлди.

● Халқаро ипакчилик комиссиясининг жорий йил бошида Гувахати (Ҳиндистон) шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида ушбу нуфузли тузилманинг навбатдаги йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилиши бўйича келишувга эришилди.

● 2018 йилнинг биринчи чорағида республикаимизда 165 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 19,7 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари, 683,3 тонна табиий хом ипак, 1034 минг погон метр ипакли газлама ишлаб чиқарилди.

● Йил бошидан буён юртимизда 19 миллион 100 минг туп туп кўчати экилган бўлса, шундан 7 миллион 500 минг тупи Хитойдан келтирилган сермаҳсул туп навларидир.



эвазига ипакли матолардан кийим-кечаклар, шунингдек, ипак момигидан кўрпа, ёстиқ, тўшаклар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилиниши кўзда тутилган. Яъни биринчи йил 3,5 миллион, иккинчи йилда эса 12 миллион долларлик халқ истеъмоли моллари ташқи бозорга жўнатилади.

Янги қувватларни барпо этишда “Бухоро бриллиант силк” корхонаси тажриба майдони вазифасини ўтаётгани билан аҳамиятлидир. Негаки, ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаган мазкур корхона ўзбек ипакчилиги шукратини ёйишда катта роль ўйнапти. Утган йили Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Вьетнам ва бошқа мамлакатларга 2,5 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилингани, жорий йилда бу кўрсаткич 3,5 миллион долларга етказилиши мўлжалланаётгани бунга асоси бўла олади.

Корхонанинг “Юлдузлар”, “Баҳор”, “Бинафша”, “Настарин”, “Атиргул”, “Емғир”, “Камалак” дея номланган табиий матолари эса икки бозорда ҳам харидорғир. Улар рангининг ёрқинлиги, сув ҳамда қуёш нурига чидамиллиги, ҳар қандай иқлимга мослиги билан барчага манзур бўлмоқда.

15 миллион долларлик инвестиция жалб этилади

Ўзбекистон ипакчили соҳасида қўлга киритаётган шу каби ютуқлар халқаро ҳамжамиятнинг қизиқишини оширмоқда. Жорий йил 9 — 13 апрель кунлари бўлиб ўтадиган Осие — Европа ипакчилик форуми меъзоини сифатида хунарманду косиблар юрти ҳисобланган Бухоро шаҳри танлангани фикримиз тасдиғидир.

Италия ипак ассоциацияси билан ҳамкорликда юртимизда биринчи марта ташкил этилаётган мазкур нуфузли анжуман 2017 йил декабрь ойида Вена шаҳри (Австрия)да ўтказилган Ўзбекистон — Европа халқаро ипакчилик форумининг мантиқий давоми эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Италия ипак ассоциацияси раҳбари Стефана Витали раҳбарлигида ишбилармон доиралар вакиллари, чет эллик инвесторлар, салоҳиятли тадбиркорлар, соҳа мутахассислари, олимлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари масъул ходимлари қатнашини кутиляпти.

Форум доирасида мамлакатимиз пиллачилик тармоғига 1 миллион АҚШ доллари микдоридидаги грант маблағлари ва 15 миллион долларлик имтиёзли кредит ахратиш юзасидан меморандум-келишувлар имзоланиши режалаштирилган.

Айтиш жоизки, шу пайтга қадар соҳада Хитой, Вьетнам каби қирқдан ортик давлатлар сармоси иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилинган бўлса, энди Италия, Франция, Германия каби Европа давлатлари билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги bosқичга чиқмоқда. Бинобарин, жалб этилаётган инвестицияларнинг салмоқли қисми Ўзбекистонда тажриба лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган Европа саноат парки ижросига йўналтирилади.

Кўриниб турибдики, янгича иш тутуми, соҳага инновацион ёндашув таназул ёқасига келиб қолган пиллачилик тармоғини қайта тикланишга қолмасдан, балки унинг тараққиёт сари юз бuriш-ига кенг йўл очиб берди. Зотан, юртимизда олиб бoрилаётган шиддатли ислохотлардан қўлланган мақсад ҳам шу — қайси соҳа бўлмасин, уни одамлар учун муҳим даромад манбаига, иктисодиётимиз таянчига айлантириш.

Сонд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Жамиятда мен танлаган тўғри йўл»

Бугун мамлакатимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиринмилли каби эзгу қадриятларга уйғун инсонпарварлик сиёсати олиб бoрилмоқда. Билиб-билимай, адашиб, эгри йўлга кириб қолган кўнлаб юртдошларимиз ўз хатоларини тушуниб етмоқда. Афв этилганлар тўғри йўлга қайтиб, жамиятда ўз ўринларини топишга интиляптилар.

ДАВРА СУҲБАТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда қафолат хати асосида суд

залидан олиб чиқилган ёшлар, одам савдосидан жаҳрланган, узоқ муддатга чет элга қиқиб қайтиб келган ҳамда ички ишлар профилактик ҳисобида турувчи ёшлар қатнашди.

Президентимизнинг “Ўзбекис-

тон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида ўтказилган тадбир “Жамиятда мен танлаган тўғри йўл” деб номланди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигига оид ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, миллатлараро ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳилик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик таъминлаларига қатъий амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Қайд этилганидек, ислом динининг одамларни эзгулик ҳамда ҳалоллик, покликка ундаш, тинчлик ва оsoйишталикни сақлашга даъват этишдаги ўрни

ҳамда аҳамияти беқиёсдир. Бироқ бугунги мураккаб ва таҳликали, тезкор глобаллашув даврида дунёнинг турли мамлакатларида рўй бераётган можароларда диний ҳамда миллий хусусиятлар ҳам борлиги сир эмас. Бу барчане янада хўшёрлик ва огоҳликка, тинчлик ҳамда оsoйишталикни сақлашга, унинг қадрига етишга, жамиятдаги барқарор муҳитни асраб-авайлашга қақиради.

Давра суҳбатида ёшларга ижтимоий-ҳуқуқий онгини янада ошириш, жамиятда ўз муносиб

ўрнини топиши учун зарур маслаҳат ва тушунчалар берилди. Шунингдек, уларга диний-маърифий, ҳуқуқий-сиёсий билимларини янада мустаҳкамлаш учун 200 дан ортик сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар тарқатилди.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга диний идора улаомлари ҳамда Ёшлар иттифоқи вакиллари томонидан батафсил жавоб қайтарилди. Шунингдек, ислом дини асослари, одоб-ахлоққа оид маълумотлар, мавзуга доир китоблар билан

таъминлаш масаласида уларга диний идора, Ёшлар иттифоқининг эшиклари доимо очик экани, ҳар қандай савол ёки масала юзасидан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz расмий веб-сайти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг yj.uz портали орқали ҳам мурожаат этишлари мумкинлиги эслатиб ўтилди.

Тадбир доирасида ёшларни буюк аждодаларимизнинг бебаҳо мероси билан яқиндан таништириш мақсадида Ҳазрати Имом мажмуаси ҳамда меъморий обидалар бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДА ҲИКМАТ МУЖАССАМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг 27 — 29 март кунлари Самарқанд вилояти ҳокими Туробжон Жўраев бошчилигида бир гуруҳ нурунийлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, тадбиркору зиёлилар Тожикистонга сафар қилдик. Буюк шоир Рудакий заминига қадам қўйганимиз заҳоти бир-биримизга бўлган самимий меҳрни, улкан соғинчни ҳис этдик. Ҳар бир қадамда, ҳар бир учрашувда диллар муҳаббатга ташна эканлигини англадик. Бир-биримизни бағримизга босганча дийдорлашдик, кўзда ёшу қалбда қувонч ила диллашдик.

Бизни Жартепа масканида Суғд вилояти раиси Ражаббой Аҳмадзода раҳбарлигидаги қон-қардошлар кучок очиб кутиб олишди. Карнай-сурнай садолари, “Ассалому алайкум, қариндошлар...” дея қўлида нон тутиб турган болажонларнинг беғубор муносабати бир зумда бизни мафтуну мамнун қилди. Шунда икки қардош халқ бир-бирига жуда интиқ бўлганлигини юракдан сездик. Тожикистонликлар бемисл ҳис-ҳаяжон, жўшқин меҳру оқибат билан кутиб олишганидан руҳиятимизга юксак инсоний шуқуҳ, севинч, мамнуният инди. Бу бежиз эмас. Зеро, йўллар билан бирга диллар очилди, бир-бирига тапиниб туташди. “Хуш келибсиз”, “Хуш омадед”, деган сўзлар бамисоли оппоқ кабутарлардек кўнгиллар осмониди парвоз этди.

Ҳўжанд шаҳри томон борарканмиз, йўл-йўлакай Ўртбошимизнинг Тожикистонга давлат ташрифи давомида “Мен Тожикистонга чегараларни очиб, ёруғ юз билан орамиздаги дарвозанинг ҳеч қачон ёпилмаслигига ишониб келдим”, деган умидбахш сўзларини такрор-такрор айтиб, яхши кайфият билан сервитор тоғлар ошенидан ўтиб кетганимизни сезмай ҳам қолдик. 4 минг метр баландликдаги қор ёғиб турган доvon ор-

тида бизни Истаравшан шаҳри маъмурияти, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар катта шодлик билан пешвоз олишга чиқишган экан.

“Седодарон” масканида қизғин шакарғуфторлик, эътибор ҳамда эъзоз мулоқотлари узоқ давом этди. Сўхбат бошида Суғд вилояти раиси ўринбосари Анвар Ёқубий “Биз, тожиклар дўст десалар кўз олдимизда, энг аввало, ўзбеклар намоён бўлади. Елкадошлик, қадрдонлик ҳақида сўз очилса, сизлардан бошқани тасаввур қилолмаймиз”, деганида кўз ёшларимизни тия олмадик. Чунки бу изҳор барчанинг кўнглидаги сўзларга уйғун ва Ҳамоҳанг эди.

“Қалъаи Муғ”да бунёд қилинган 5100 ўринли амфитеатр барчамизни ҳайратга солди. Бу ерда ҳам дилкаш сўхбатлар шаршарадек оқди, тиллардан тилларга қўчиб, тоғу дараларда акс садо берди. Тоғлар оша гўзал Ҳўжанд шаҳрига кириб борганимизда, юзларидан нур ёғилиб турган бир отахон баланд овозда “Хуш келибсизлар, азиз биродарлар!”, дея юрагимизни ҳаяжонга тўлдирди.

Шаҳар бўйлаб саёҳат янада марокли кечди. “Пайшанбе” бозориди савдо-сотик билан шуғулланаётганлар билан ўзбек ва тожик тилларида сўхбатлар сира тўхтамасди. Ҳамма бир-бирини табриклаган, қўтлаган. Бундай воқеани кўз билан кўриб таъсирланмай бўладими?

Ҳўжанд шаҳри маъмурияти “Дўсте Амрихон” масканида катта концерт уюштирди. Шаҳар маъмурияти раиси Маъруфжон Муҳаммадзода сузга чиқиб, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон Республикалари Президентларининг оқилона сиёсати натижасида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани, халқларимизнинг ўзаро яқинлиги мустаҳкамланаётганини алоҳида таъкидлади.

Тожикистон халқ шоирлари Н. Ниёзий, Ф. Ҳўжандий ва Тожикистон



Алишер ИСРОИЛОВ (ўАА) олган сурат.

халқ артисти Жўрабек Набиев ҳамда бошқаларнинг чиқишлари дилларга ўзгача сурур бахш этди. “Гулистон” чойхонасида Наврўз байрами муносабати билан ўтказилаётган тадбирда қатнашиб, тожик биродарларимиз билан сумалак тайёрладик, лапар ва айтишувларда дўстона кимўзарда баҳслашдик. Ўзбек ҳамда тожик халқ кўшиқлари авжига чиқдики, гўё бутун дунё бизнинг шодлигимизга шерикдди туюлди.

Ҳўжанд шаҳридаги Камол Ҳўжандий мажмуасига қилинган зиёрат, айниқса, унутилмас таассуротлар қолдирди. XIV асрда яшаб ижод қилган буюк тожик шоири номи билан аталувчи ушбу маскандаги улкан ҳайкал ва рамзий мақбара, улўғ аллома уй-музейида сайёҳликни кенг йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар барчамизга маъқул тушди. Бобожон Гафуров туманидаги тарихий “Арбоб” маданият саройи билан танишув жараёнида ушбу мажмуанинг бунёд этилиш тарихи ҳамда бугунги фаолияти тўғрисида маълумотлар берилди. Айтиш керакки, мазкур сарой бугун Тожикистоннинг муҳташам масканларидан бири ҳисобланади.

Дўстлар ва дўстлик шарафига бағишланган тадбирда Бобожон Гафуров тумани маъмурияти раиси Зарифжон

Вализоданинг дил сўзлари баланд пардаларда янгради:

«Дарахт барги билан чиройли, сояси билан азиз, меваси билан қадрлидир. Биз — икки тилда сўзловчи бир халқ ҳам бир дарахтнинг ҳам япроғи, ҳам сояси, ҳам мевасимиз. Биз бир-биримиздан айро яшолмаймиз!»

Ҳўжандликлар кўннинг иккинчи ярмида бизни Панжикент томон кузатиб қўйишди. Панжикент шаҳрида Наврўз тантаналарида қатнашиш насиб қилди. Байрам тадбирида сўзга чиққан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги иқтисодий, маданий, дўстона алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этиб ўтди. Айниқса, Шавкат Мирзиёев билан Душанбедаги учрашувларда имзоланган ҳужжатлар, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш бўйича икки дав-

лат Президентларининг биргаликдаги ҳаракатлари ҳусусидаги таърифларидан бошимиз осмонга етди.

Тадбирдан сўнг Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон барчамизни қабул қилиб, байрам билан қўтлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамда қардош ўзбек халқига ўзининг эзгу тилақларини билдирди.

Панжикент шаҳридаги концерт дастури ҳам завқу шавқи билан ёдимизда қолди. Ўзбек ва тожик халқ кўшиқлари барчамизга янги куч-қувват, илиқлик, меҳр-муҳаббат улашди. Бу ерда жаранг-лазан ҳароратли сўзлар, табрикларни изҳор этишга тил ожиз.

Уч кун уч соатдек ўтиб кетди. Кўп йиллик соғинчдан кейинги дийдор сабаб бир-биримиздан узоқлашгимиз келмасди. Буюк тожик шоири Абу Абдуллоҳ Рудакий таъкидлаганидек:

Ҳаҳоннинг шодлиги
ййигилса бутун,
Дўстлар дийдоридан
бўлолмас устун.

Айтинг, бунга изох борми? Кўришганда қай ҳолатга тушган бўлсак, хайрлашув чоғида ҳам кўз ёшларимизни тўхтатолмадик. Бундан бўён тез-тез борди-келди қилишга, соғинтириб қўймасликка келишиб олдик. Дўсту қадрдонларимиздан кўнгил узолмай манзилимизга қайтар эканмиз, икки улўғ халқнинг Йўлбошчиларига яхшилик ҳамда эзгулик саодатини бунёд этганлари учун улкан миннатдорчилигимизни такрор ва такрор айтдик.

Ҳасан НОРМУРОДОВ,
Ўзбекистон фаҳрийларининг ижтимоий
фаолиятини қўллаб-қувватлаш
«Нуруний» жамағармаси
Самарқанд вилояти бўлими раиси

Самарқанд — Ҳўжанд — Самарқанд

ИМКОНИЯТ

Тошкент шаҳридаги Инха университетида Америка Қўшма Штатларининг дунёга машхўр “Oracle” компанияси академияси очилди.

Дунёга машхўр компаниянинг академияси Ўзбекистонда

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистонда илм-фан ва инновация технологиялар ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

“Oracle Academy” ахборот технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳамда талабаларнинг билим ва салоҳиятини юксалтиришга қаратилган таълим ташаббусидир. Ҳар йили ушбу академия курсларида жаҳоннинг 120 мамлақатида 3,5 миллион нафардан ортик ёшлар ўқиб, замонавий билим ҳамда тажрибага эга бўладилар.

Тошкент шаҳридаги Инха университетида очилган академияда “Java Fundamentals”, “Java Foundations”, “Java Programming”, “Database Foundations”, “Database Design and Programming With SQL”, “Programming with PL/SQL”, “APEX — Application Development Foundations” ва бошқа курслар халқаро стандартлар асосида бепул ўқитилади. Талабалар маърузалар тинглаш билан бирга, амалий машғулотларда ҳам иштирок этадилар. Ҳар бир курс олдингисининг мантиқий давоми бўлиб, уни ўрганишни бошлаш учун ахборот технологиялари соҳасида чуқур билимга эга бўлиш шарт эмас. Курсларнинг давомийлиги 90 — 180 соатни ташкил этади.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЪЛОН

Вазирликлар, қўшмалар, ташкилотлар, корхоналар, таълим муассасалари, қўшма ба кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2017/2018 ўқув йилида битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида
апрель ойида «Битирувчи — 2018» тақсимот анжумани ўтказилишини маълум қилади.

Анжуманда корхона ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари назарда тутилган. Ўзингизни қизиқтирган таълим йўналиши ва мутахассисликлар бўйича битирувчи кадрларга бўлган эҳтиёжлар ҳамда тақлифларингизни институтнинг маркетинг бўлимига юборишингизни сўраймиз. Ёш мутахассис кадрларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш давр талабидир!

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи		Жами	Вилоятлар кесимида битирувчилар сони																												
	Коди	Номи		Тошкент шаҳри		Андижон вилояти		Бухоро вилояти		Жиззах вилояти		Қашқадарё вилояти		Навоий вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Сирдарё вилояти		Сурхондарё вилояти		Тошкент вилояти		Фарғона вилояти		Хоразм вилояти		Қорақалпо-Рес-гистон Рес-публикаси		
				г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	
					БАКАЛАВРИАТ																											
1	5111000	Касб-таълими (кимёвий технология, озиқ-овқат технологияси йўналишлари бўйича)	5	19	1	3						4	9					2	1			3		1	2	1	1				1	
2	5230200	Менежмент (соҳалар бўйича)	5	23	4	12							5					1				1		2	1							
3	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (соҳалар бўйича)	11	44	8	26		2	1	2		1	1	5								2	1	2			2		2			
4	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув (тармоқлар бўйича)	30	54	12	17			1			6	12					1		2	2	4	3	3	1	1	1	1	4	13		
5	5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	25	49	4	21						1	13	11	1	1			1		1	3	2	1	11				2			
6	5320400	Ноорганик моддалар ва минерал ўғитлар кимёвий технологияси	1		1																											
7	5320400	Силикат ва қийин эрийдиган нometall материаллар технологияси	48	60	17	24		1		2		24	15	1	1	1		2		1	1	3					2		3	11		
8	5320400	Асосий органик синтез кимёвий технологияси	3	3	1	2																										
9	5320400	Каучук ва резина кимёвий технологияси	3	4						2		1				1								1	3							
10	5320400	Камёб, нодир, тарқоқ металллар кимёвий технологияси	3	3		3							3																			
11	5320400	Қурилиш материаллари кимёвий технологияси	2		1								1																			
12	5320400	Кимёвий материаллар қаршилиги ва коррозиядан сақлаш																														
13	5320400	Юқори молекуляр бирикмалар ва пластмасса кимё технологияси	12	21	4	4						1	4	4			1							1	1					2	11	
14	5320300	Технологик машина ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)																														
15	5320300	Кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлар	26	72	4	15		1	2			9	22		2			2		2	3	4	5	1	1				5	20		
16	5320300	Ёғочсозлик саноати технологияси машина ва жиҳозлари	6	6	6	6																										
17	5320300	Целлюлоза қоғоз ишлаб чиқариш технологияси	4	7	3	5																										
18	5320300	Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари	10	27	4	11	1	1		1			7	1	1	1		2	1	1	1	1	1					1	3	2		
19	5320500	Биотехнология	18	45	12	30	1	1				4	5	1	1						1	2	3	3			1		2	6		
20	5321000	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	135	277	63	132	2	5	4	5		2	29	38	2	3	4	6	3	2	4	23	7	20	10	12	4			4	22	
21	5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)																														
22	5321000	Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлов бериш технологияси	2	27	1	15		1		1			3				1		2		1		2				1					
23	5321000	Ёғ-мойлар технологияси	4	20	1	15	1											2		1		1	1				4	1				
25	5321000	Қанд ва бижиш маҳсулотлари технологияси	2	9		3			1				1	1																		
26	5321000	Озиқ-овқат хавфсизлиги	19	27	14	20											1				1	2	3	2					1			
27	5321000	Ўшт, сут, консервланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси	4	15	2	9																										
28	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)	5	20	4	9							3		1				1			1	4					1				
28	5640100	Хаёт фаолияти хавфсизлиги	5	17	2	9							1	2		1		1	1			1	1	3								
		Жами	387	850																												
					МАГИСТРАТУРА																											
1	5A310901	Маҳсулот хавфсизлиги ва уни сертификатлаш	3	4	2	1			1									1														
2	5A310902	Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш	2	4	1	1							2										1	2							1	
3	5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)	3	4		3						2	1																			
4	5A320401	Ноорганик моддалар кимёвий технологияси	9	10	3	3						2				1																
5	5A320402	Органик моддалар кимёвий технологияси	6	11	5	5						1	4		1			1				4					1	1		3		
6	5A320402	Резина буюмлари ишлаб чиқариш технологияси	5	2	3																	1										
7	5A320402	Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси	5	2	1					1			1	1	1							1								3		
8	5A320402	Кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлар (КТЖУ)	2	3	2	2							1	1	1																	
9	5A321302	Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси	2	14	1	11				1			2																			
10	5A321303	Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва аппаратлари	2	2	2	2																										
11	5A320306	Целлюлоза қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнлари	2	2	1	2																	1									
12	5A321003	Озиқ-овқат хавфсизлиги	3	5	2	4																										
13	5A320404	Силикат ва қийин эрийдиган нometall материаллар технологияси	2	1	2																											
14	5A320501	Озиқ-овқат маҳсулотлари биотехнологияси	3	5	2	5	1																									
15	5A320307	Ёғочсозлик саноати технологияси ва машина жиҳозлари	2	1	2	1																										
16	5A321001	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	8	15	2	10							2	1				1	2		1	1		1	1		1			3		
17	5A310704	Электротехник мажмуалар ва тизимлар	3																													
18	5A320305	Кимёвий саноат ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари ҳамда аппаратлари	6	3	1	1							2	1								1									3	
		Жами	68	88																												

